

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВ РАХМАТ РАХИМОВИЧ**

**ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИ СУВ РЕЖИМИ  
ФАЗАЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ  
ШАРОИТИДАГИ СИЛЖИШЛАРИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2021**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Зияев Рахмат Рахимович**

Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши  
шароитидаги силжишлари.....3

**Зияев Рахмат Рахимович**

Смещение фаз водного режима рек бассейна Зеравшана в условиях  
изменения климата.....21

**Ziyaev Rahmat Raximovich**

The shifts of hydrological regime phases of the rivers of Zerafshan basin under  
climate change .....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works .....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВ РАХМАТ РАХИМОВИЧ**

**ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИ ДАРЁЛАРИ СУВ РЕЖИМИ  
ФАЗАЛАРИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ  
ШАРОИТИДАГИ СИЛЖИШЛАРИ**

**11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

География фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Gr8 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.hydromet.uz](http://www.hydromet.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович**  
география фаълари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мурадов Шухрат Одилович**  
техника фаълари доктори, профессор

**Пирназаров Равшан Топволдиевич**  
география фаълари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация химояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «04» Октябрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№212 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» сентябрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «22» сентябрь даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**В.Е.Чуб**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д.

**Б.Э.Нишонов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

**С.В.Мягков**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда, иқлимнинг глобал миқёсда илиб бориши шароитида, сувга бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу борада БМТнинг Бутунжаҳон маърузасида «Иқлим ўзгариши инсоннинг сувга бўлган асосий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган сув ресурсларининг мавжудлигига, сифатига, миқдорига таъсир кўрсатади... Иқлим ўзгариши келтириб чиқарган гидрологик ўзгаришлар сув ресурсларини барқарор бошқариш йўлидаги муаммоларни янада мураккаблаштиради...»<sup>1</sup>, деб таъкидланади. Бу ҳолат дарёлар гидрологик режимида жиддий ўзгаришларга олиб келади ва улар сув режими фазалари силжишларини иқлим ўзгариши жараёнларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этишни тақазо этади.

Жаҳонда дарёлар сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишларини аниқлаш, уларда кам сувли, тошқин ва тўлинсув даврлари оқимини миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг шаклланишига иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, дарёлар сув режими фазаларининг иқлимий ўзгаришлар натижасидаги силжишларини гидрологик ҳисоблашлар амалиётида ҳисобга олиш, дарёлар тўлинсув ҳамда тошқин даврлари оқимини сув омборларида тўплаш ва улардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда дарёлар сув ресурсларидан иқтисодиёт тармоқларининг сув истеъмолчилари ҳисобланган барча секторларида янада самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ..., қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Уларни амалга оширишда дарёлар сув режими турли фазалари оқими кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишларини баҳолашга оид тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил

<sup>1</sup> Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2020 г. Водные ресурсы и изменение климата. [www.unesco.org/water/wwap](http://www.unesco.org/water/wwap)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

9 октябрдаги ПҚ-4486-сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дарёлар сув режими фазалари, жумладан, кам сувли, тошқин ва тўлинсув даврлари оқимлари, уларнинг шаклланиши ва бу жараёнларга таъсир этувчи иқлимий омилларнинг таъсирини баҳолаш масалалари R.M.Perkins, J.Gibson, T.Edwards, S.Birks, W.Buhay, P.Eachern, B.Wolfe, L.Alfieri, B.Bisselink, F.Dottori, G.Naumann, K.Wyser, Ya.Kong, Z.Pang, A.Al-Alsheikh каби чет эллик олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Т.С.Абальян, С.К.Аламанов, М.Н.Большаков, М.И.Будыко, А.И.Воейков, В.Г.Глушков, А.С.Монин, Е.В.Петряшова, И.С.Соседов, Д.П.Соколов, Д.А.Бураков, О.И.Литвинова, Н.А.Мусатов ва бошқаларнинг тадқиқотлари дарёлар сув режими турли фазалари оқими миқдорларини баҳолаш ва уларнинг натижаларидан сув хўжалиги, гидроэнергетика ва бошқа соҳалар амалиётида фойдаланиш масалаларини ўрганишга қаратилган.

Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги илк тадқиқотлар Э.М.Ольдекоп, Л.К.Давыдов томонидан амалга оширилган бўлса, кейинчалик мазкур масала билан В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, А.М.Овчинников, Д.Х.Салихова ва бошқалар шуғулланганлар. Ҳозирги кунда мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар В.Е.Чуб, Э.И.Чембарисов, Б.К.Царев, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Л.М.Карандаева, Б.Д.Салимова, Ф.Я.Артикова, Ғ.Х.Юнусов, К.Р.Рахмонов, С.А.Хайдаров, Д.М.Турғунов кабилар томонидан давом эттирилмоқда. Ушбу тадқиқотларда тоғ дарёлари сув режими турли фазалари оқимининг ҳосил бўлишига табиий географик омиллар, жумладан, ер сиртининг геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ, ўсимлик қоплами ва бошқаларнинг таъсирлари ўрганилган.

Бироқ, юқорида қайд этилган тадқиқотларда, иқлим ўзгариши шароитида, Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими турли фазалари оқими миқдорларини ҳисоблаш ва улар муддатларининг силжишлари масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур тадқиқот иши дарёлар сув режими фазалари, жумладан, тўлинсув даври оқими, уларнинг силжиш муддатларини иқлим ўзгариши шароитида баҳолаш масалаларининг Зарафшон ҳавзаси дарёлари мисолида кўриб чиқилганлиги билан юқорида келтирилган изланишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф6-062 «Орол ҳавзасининг гидрологик ва табиий-географик жараёнларининг айрим қонуниятларини тадқиқ этиш» (2007-2011 йй.) ҳамда №ОТ-Ф5-13 «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2021 йй.) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими турли фазалари, яъни кам сувли, тошқин ва тўлинсув даврлари кузатилиш муддатларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишларини аниқлаш ҳамда уларнинг гидрологик кўрсаткичлари миқдорий қийматларини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Зарафшон ҳавзасининг табиий-иқлим шароитини дарёлар сув режими фазаларининг шаклланиши хусусиятлари нуктаи назаридан ўрганиш;

Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлим ўзгаришининг асосий белгиларини ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари мисолида аниқлаш ва уларнинг миқдорий қийматларини баҳолаш;

Зарафшон ҳавзаси дарёлари тўлинсув даври оқими кўрсаткичлари билан уларни шакллантирувчи иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш;

Зарафшон ҳавзаси дарёларида тўлинсув даврининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишларини аниқлаш;

дарёларда тўлинсув даври муддатларининг аниқланган силжишларига мос ҳолда, уларнинг гидрологик кўрсаткичларини сув ҳўжалиги ҳисоблашлари мақсадларида баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Зарафшон дарёси ҳавзасининг юқори ва ўрта қисмларида шаклланадиган, табиий гидрологик режимга эга бўлган дарёлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлим ўзгаришининг асосий белгиларини кўрсатиб бериш, мазкур шароитда дарёлар сув режими фазаларининг силжишларини аниқлаш, шунингдек уларга мос келадиган оқим кўрсаткичларини миқдорий баҳолаш масалалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда географик умумлаштириш, гидрологик ўхшашлик, замонавий гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар усуллари қўлланилган. Шунингдек, дарёлар оқими миқдорий кўрсаткичларининг метеорологик омилларга боғлиқлигини баҳолашда, дарёлар оқимини прогнозлаш усуллари ишлаб чиқишда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлим ўзгаришининг асосий белгилари -

ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинларининг ўзгариш тенденциялари ҳавзада турли иқлимий даврларда кузатилган метеорологик маълумотларни ўзаро солиштириш усули билан аниқланган;

Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазалари турли даврлари оқими кўрсаткичлари, жумладан, сув сарфи (Q), оқим ҳажми (W), оқим модули (M), оқим қатлами (h) турли иқлимий даврлар учун миқдорий баҳоланган;

ҳавза дарёлари тўлинсув даври оқимининг мавсумий атмосфера ёғинлари миқдорига ва ёзги ҳаво ҳароратига боғлиқлиги статистик баҳоланган ва уларнинг регрессия тенгламалари олинган;

Зарафшон дарёси тўлинсув даври ўртача кунлик сув сарфларини беш, ўн кунлик муддат билан қисқа, бир ойлик муддат билан эса узоқ муддатли прогнозлашнинг сонли усуллари ишлаб чиқилган;

Зарафшон ҳавзаси дарёларида тўлинсув даврининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишлари ҳамда уларга мос келадиган оқим кўрсаткичлари аниқланган ва улардан сув хўжалигини самарали ташкил этишга оид гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

асосий иқлимий элементлар – ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларининг ўзгаришларини алоҳида ҳамда гуруҳ метеорологик кузатиш пунктлари маълумотлари асосида баҳолаш усуллари такомиллаштирилган;

Зарафшон дарёси ҳавзаси бўйича атмосфера ёғинлари ва ҳаво ҳароратларининг турли иқлимий даврлардаги ўртача кўп йиллик миқдорий қийматлари ҳамда уларнинг фарқлари аниқланган;

ҳавза дарёлари сув режими фазаларининг турли даврлари оқими миқдорларининг метеорологик омилларга боғлиқлиги статистик усулда баҳолашиб, уларнинг регрессия тенгламалари тузилган ва натижада махсус гидрологик ҳисоблашлар усуллари такомиллаштирилган;

дарёлар сув режими фазалари турли даврларининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатлари силжишларини аниқлашнинг турли иқлимий даврлар гидрографларини ўзаро солиштириш усули такомиллаштирилган;

Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими миқдорий кўрсаткичларини қисқа ва узоқ муддатли прогнозлашнинг статистик усуллари ишлаб чиқилган;

дарёлар сув режими турли фазалари муддатларининг тадқиқот жараёнида аниқланган силжишларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг оқим миқдорлари кўрсаткичлари аниқланган;

дарёлар сув режимининг турли фазалари учун аниқланган миқдорий қийматларидан сув хўжалигини самарали ташкил этишга қаратилган гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги ишда Ўзбекистон ҳамда қўшни Тожикистон республикалари Гидрометеорология хизматлари тасарруфидаги станциялар ва постларда ягона усулда амалга оширилган стандарт



гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ва Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) материалларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлаш ва умумлаштиришда умум қабул қилинган усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда эришилган илмий ва назарий натижалардан, хусусан, тўйиниш манбаларига кўра турли типга мансуб бўлган дарёлар сув режими турли фазаларининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатлари силжишларини иқлим ўзгаришига боғлиқ ҳолда аниқлаш масалаларини тадқиқ этишда ишда қўлланилган илмий ёндашувлардан, келажакда ушбу муаммо билан боғлиқ бўлган гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлаш усулларини такомиллаштиришда фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан Зарафшон дарёси ҳавзаси сув ресурсларидан сув ва қишлоқ хўжалиги ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида янада самарали фойдаланишни ташкил этишга ва, шу мақсадда, дарёлар оқимини сув режимининг турли фазаларида турли мақомдаги сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида тақсимотини оқилона ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек, ишда қўлланилган материаллар ва услубий ёндашувларнинг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида гидрология соҳаси фанларини ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Зарафшон дарёси ҳавзасида базавий ва жорий иқлимий даврларда қайд этилган ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинлари маълумотларини ўзаро солиштириш натижалари асосида аниқланган иқлим ўзгариши тенденцияларидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида тўлинсув даври элементларининг силжишларини баҳолашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги LE24535428-сон маълумотномаси). Натижада, Зарафшон дарёсида тўлинсув даврининг бошланиши, тугаши ва умумий давом этиш муддатларига ҳамда шу даврдаги оқим миқдорларига аниқлик киритиш имконини берган;

Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазаларининг тўлинсув, тошқин ва кам сувли даврлари учун аниқланган оқими кўрсаткичлари “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонасида Ўзбекистон Миллий Атласидан ўрин олган “Дарёлар оқимининг баҳор даврида тақсимланиши” картасини

тузишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 20 августдаги 02/02-7341-сон маълумотномаси). Натижада, дарёлар баҳорги тўлинсув даври элементларини тезкор аниқлаш имконияти яратилган;

Зарафшон ҳавзаси дарёларида тўлинсув даври оқимининг метеорологик омилларга, хусусан, мавсумий атмосфера ёғинлари миқдорига ва ёзги ҳаво ҳароратига боғлиқлигини ифодаловчи регрессия тенгламаларидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими миқдорини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги LE24535428-сон маълумотномаси). Натижада, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг гидрологик кўрсаткичларига аниқлик киритиш имконини берган;

Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими кўрсаткичларини, жумладан, сув сарфлари ва оқим ҳажмларини қисқа ҳамда узоқ муддатли прогнозлашларнинг сонли усуллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида Зарафшон дарёсининг шу даврда кутилаётган оқими миқдорларини баҳолашда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги LE24535428-сон маълумотномаси). Натижада, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимидан вилоятлараро, вилоятлар миқёсида эса туманлараро янада самарали фойдаланиш имкониятлари яратилган;

Зарафшон ҳавзаси дарёлари тўлинсув даврининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатларининг иқлим ўзгариши шароитидаги аниқланган силжишлари ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида сув хўжалиги ҳисоблашлари амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 16 июлдаги LE24535428-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятларнинг маҳаллий ҳамда уларга Зарафшон дарёсидан келтириладиган сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишнинг қўшимча имкониятлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан 2 та монография (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзуининг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги таъкидланиб, унинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Зарафшон ҳавзасининг табиий шароити ва дарёлари сув режимининг фазалари**» номли **1-бобида** Зарафшон дарёси ҳавзасининг географик ўрни, чегаралари, геологияси ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрографик тармоқларига қисқача тавсиф берилган, ўрганилаётган ҳавза табиий шароитини белгиловчи омилларнинг ҳавзадаги дарёлар ва сойлар сув режими фазаларига таъсири масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотда Зарафшон дарёси ҳавзасининг табиий шароити В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, М.М.Маматқулов, Б.А.Камолов, М.А.Насиров, А.М.Никитин, А.А.Абдулқосимов, Л.А.Алибеков, Л.М.Карандаева, В.Е.Чуб, С.Б.Аббосов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.А.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилган. Диссертацияда Зарафшон ҳавзаси табиий шароитининг дарёлар оқими ҳосил бўлиш нуқтаи назаридан тавсифи айнан мана шу олимлар тадқиқотларининг натижаларига таянган ҳолда амалга оширилган.


Тадқиқотда Зарафшон ҳавзасининг табиий гидрографик тармоқлари, жумладан, унинг баланд тоғли қисмидан бошланадиган йирик ирмоқлари, шунингдек, Ўрта Зарафшон қисмидаги кичик дарёлар ва сойларга гидрографик таъриф берилган, уларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари ҳақида тўлдирилган маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда дарёлар йиллик оқимининг 65-80 фоизи оқиб ўтадиган тўлинсув даври Зарафшон дарёсида апрель-сентябрь ойларига, Ўрта Зарафшон ҳавзасидаги кичик дарёлар ва сойларда эса март-май ойларига тўғри келиши қайд этилиб, уларнинг сабабларига изоҳ берилган. Мазкур масала Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик пости маълумотлари асосида турли иқлимий даврлар учун таҳлил қилинган (1-расм).

Зарафшон ҳавзасининг баланд тоғли қисмидаги дарёларда тошқинлар ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида, қор қоплами ёки музликларнинг жадал эриши ёки жала ёмғирлар ёғиши ҳисобига кузатилиши мумкин. Ҳавзанинги Ўзбекистон қисмидаги кичик дарёлар ва сойлар учун эса кузги ҳамда эрта баҳорги тошқинлар хосдир. Зарафшон дарёси учун кузги-қишки кам сувли давр хос бўлса, унинг мамлакатимиз ҳудудида шаклланадиган кичик ирмоқларида эса узоқ вақт давом этадиган ёзги-қишки кам сувли давр кузатилади.



а) биринчи базавий иқлимий давр (1961-1990 йй.)



б) жорий иқлимий давр (1991-2018 йй.)

### 1-расм. Зарафшон (Дупули) дарёсида турли иқлимий даврларда кузатилган экстремал сувли йиллар гидрографлари

Диссертациянинг «**Зарафшон дарёси ҳавзасида иқлим ўзгариши белгилари ва уларнинг дарёлар оқимига таъсири**» деб номланган **2-бобида**, дастлаб, ўрганилаётган ҳавзанинг баланд тоғли ҳамда Ўзбекистон қисмларида ҳаво ҳароратидаги ўзгаришлар ва уларнинг миқдорий қийматлари алоҳида-алоҳида аниқланган. Сўнг, худди шу каби ҳисоблашлар ва уларнинг натижалари таҳлиллари атмосфера ёғинлари учун ҳам амалга оширилган. Бобнинг якунида ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинлари миқдорий қийматларидаги ўзгаришларнинг дарёлар оқимига таъсири баҳоланган.

Дарёлар сув режими фазалари турли даврларининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш саналари муддатларининг силжишларига таъсир этувчи асосий метеорологик элементлардан бири - бу ҳаво ҳароратидир. Шу туфайли, ишда Зарафшон дарёси ҳавзасида ҳаво ҳароратининг турли иқлимий даврлардаги ўзгаришлари тадқиқотида алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли Тожикистон қисмидаги 7 та ҳамда Ўзбекистон қисмидаги 13 та метеорологик станциялар маълумотларидан фойдаланилган. Ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари биринчи базавий иқлимий давр (ББИД, 1961-1990 йй.) ва жорий иқлимий даврлар (ЖИД, 1991-2018 йй.) учун бажарилган ҳисоблашлар натижаларини солиштириш йўли билан аниқланган.

Диссертацияда шу мақсадда икки усул қўлланилган: **алоҳида** ва **гурух** метеорологик станциялар кўрсаткичлари фарқларини аниқлаш усуллари (1-жадвал, 2-расм).

Иккинчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, уни амалиётда қўллашда ўрганилаётган ҳудудда фаолият олиб борадиган барча метеостанциялар маълумотларидан бир вақтнинг ўзида биргаликда фойдаланилади. Белгиланган иқлимий даврлар учун ҳаво ҳарорати ёки атмосфера ёғинларининг баландликка боғлиқ ҳолдаги ўзгаришлари графиклари биргаликда қурилади. Уларни ифодаловчи тўғри ёки эгри чизиқлар оралиқларининг вертикал ординатлари ўрганилаётган метеоэлементларнинг ҳисоб иқлимий даврлардаги ўзгаришларини ифодалайди (2- ва 3-расмлар).

Ишда Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли ҳамда Ўзбекистон қисмларига биринчи базавий ва жорий иқлимий даврларда ёққан атмосфера


ёғинларининг ўзгаришлари ҳам юқорида баён қилинган усулларда баҳоланган (3-расм).

1-жадвал


Зарафшон ҳавзасининг баланд тоғли қисмида жойлашган метеорологик станцияларда кузатилган ҳаво ҳароратлари ўзгаришларини ҳисоблаш

Т/р	Метеорологик станциялар	Баландлиги, Н, м	ББИД ҳаво ҳарорати, °С			ЖИД ҳаво ҳарорати, °С			$\Delta t_{\text{ўрт.}} = \bar{t}_{\text{жид}} - \bar{t}_{\text{ббид}}$
			мах	мин	ўрт.	мах	мин	ўрт.	
1	Анзоб довони	3379	-0,7	-3,2	-1,74	1,40	-3,4	-1,24	0,50
2	Шаҳристон довони	3143	1,55	-0,56	0,70	3,10	-2,3	0,86	0,16
3	Дехауз	2564	5,30	3,12	4,37	6,02	3,54	4,72	0,35
4	Мадрушкент	2254	8,44	6,16	7,49	9,83	6,63	8,03	0,54
5	Искандарқўл	2204	7,61	5,33	6,62	8,01	6,02	7,07	0,45
6	Сангистон	1521	12,8	9,81	11,6	13,9	10,6	12,0	0,40
7	Панжикент	1015	13,9	10,5	12,7	14,6	12,0	13,3	0,60


Изоҳ: ББИД – биринчи базавий иқлимий давр (1961-1990 йй.); ЖИД – жорий иқлимий давр (1991-2018 йй.);  $\bar{t}_{\text{ббид}}$  ва  $\bar{t}_{\text{жид}}$  - мос равишда ББИД ва ЖИДлардаги ўртача кўп йиллик ҳаво ҳароратлари;  $\Delta t_{\text{ўрт.}}$  – ҳаво ҳароратларининг фарқи, °С.



2-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасининг Ўзбекистон қисмида турли иқлимий даврларда ҳаво ҳароратининг ўзгаришлари



а) ҳавзанинг тоғли қисми



б) ҳавзанинг Ўзбекистон қисми


3-расм. Зарафшон дарёси ҳавзасида атмосфера ёғинларининг ўзгаришлари

Зарафшон дарёси ҳавзасининг тоғли қисмида, энг баландда жойлашган

Анзоб давони ва Шаҳристон довони метеорологик станцияларида жорий иқлимий даврда ёғин миқдори камайган бўлса, улардан қуйидаги барча метеостанцияларда эса, аксинча, ортган (3-расм, а). Ҳавзанинг Ўзбекистон қисмидаги 500 м дан баланд жойлашган метеостанцияларда ёғин миқдори жорий иқлимий даврда биринчи базавий иқлимий даврга қараганда ортган, ундан қуйида жойлашганларда эса, аксинча, камайган (3-расм, б). Ушбу натижалар В.Е.Чуб (2001, 2007) маълумотлари билан солиштирилган ва уларнинг ўзаро мослиги кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Зарафшон ҳавзаси дарёлари тўлинсув даври оқими билан иқлимий омиллар орасидаги боғланишларни статистик баҳолаш**» деб номланади. Мазкур бобда дастлаб характерли сувли йиллар тўлинсув даври ойлик оқими миқдорларининг ҳаво ҳарорати ва атмосфера ёғинларига боғлиқлиги масалалари алоҳида-алоҳида кўриб чиқилган. Сўнг ушбу метеорологик элементларнинг тўлинсув даври оқими ҳосил бўлишига биргаликдаги таъсирини ифодаловчи кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган.

Ишда Зарафшон дарёси ўртача ойлик оқими миқдорларининг ҳаво ҳароратлари билан боғлиқлиги экстремал сувли йиллар мисолида тадқиқ этилган. Шу мақсадда Дупули гидрологик пости ҳамда Деҳауз метеорологик станцияси маълумотларидан фойдаланилган. Тадқиқотлар биринчи базавий иқлимий давр (ББИД, 1961-1990 йй.) ҳамда жорий иқлимий даврлар (ЖИД, 1991-2018 йй.) учун алоҳида-алоҳида амалга оширилган (4-расм).



4-расм. Экстремал сувли йиллардаги ўртача ойлик сув сарфлари билан ҳаво ҳароратларининг боғлиқлиги

Зарафшон дарёсининг характерли йиллардаги ойлик оқими миқдорлари билан ўртача ойлик ҳаво ҳароратлари орасидаги боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари ЖИДда ББИДга нисбатан ҳар учта характерли йилларда камайган. Ушбу натижа дарё оқимига ноиқлимий омиллар таъсирининг ортганлиги билан изоҳланган.


Диссертацияда, юқорида баён этилганларнинг мантиқий давоми сифатида, тўлинсув даври оқими билан ҳаво ҳарорати ҳамда атмосфера ёғинлари орасидаги кўп ҳадли боғланишлар зичлиги аниқланиб, уларнинг нормаллаштирилган регрессия тенгламалари олинган. Ушбу тенгламалар

асосида тузилган номограммалар Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими миқдорларини баҳолаш имконини беради. Улардан махсус гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар амалиётида фойдаланиш тавсия этилган.

Диссертациянинг «Зарафшон ҳавзаси дарёлари тўлинсув даври муддатларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишлари» деб номланган **4-бобида**, дастлаб, дарёлар сув режими фазалари турли даврларининг асосий элементлари, уларнинг сонли ва миқдорий қийматларини аниқлаш масалалари кўриб чиқилган. Сўнг ишда асосий эътибор тўлинсув даври, унинг силжишларига қаратилган, чунки сув режимининг бу фазасида дарёлар йиллик оқимининг 65-80 %и оқиб ўтади.

Диссертацияда Зарафшон ҳавзаси дарёлари гидрографлари таҳлил қилинган ва натижада тўйиниш манбалари бўйича турли типга мансуб бўлган дарёлар сув режими фазаларининг турли даврлари йилнинг турли мавсумларида кузатилиши кўрсатиб берилган. Жумладан, Зарафшон ҳавзасининг баланд тоғли қисмидаги дарёлар учун баҳорги-ёзги тўлинсув даври хос бўлса, ҳавзанинг Ўрта Зарафшон қисмидаги кичик дарёлар ва сойларда у, асосан, баҳорда (март-май) кузатилади. Барча ўрганилган дарёларда тўлинсув даври кўп сувли йилларда нисбатан узоқроқ давом этса, кам сувли йилларда эса, аксинча, бу муддат қисқаради.

Тадқиқотда тўлинсув даври асосий муддатларининг силжишларини аниқлаш масаласи Зарафшон (Дупули) дарёси мисолида кўриб чиқилди. Шу мақсадда умумий кузатиш йиллари учта ҳисоб даврига бўлинган: 1) шартли табиий иқлимий давр (ШТИД, 1931-1960 йй.); 2) биринчи базавий иқлимий давр (ББИД, 1961-1990 йй.); 3) жорий иқлимий давр (ЖИД, 1991-2018 йй.). Ҳар бир ҳисоб даври учун ўртача кўп йиллик кунлик сув сарфлари ҳисобланган ва улар асосида йиллик оқим гидрографлари биргаликда чизилган, улардан тўлинсув даврининг асосий элементлари аниқланган (5-расм).



5-расм. Зарафшон (Дупули) дарёсининг турли иқлимий даврларга тегишли гидрографлари

Турли ҳисоб даврлари учун биргаликда чизилган гидрографлар таҳлил қилинган ва натижада қуйидагилар аниқланган: 1) ҳар учта ҳисоб

даврларида тўлинсув даврининг бошланиш саналари деярли бир хил, лекин, уларнинг тугаш муддатлари ЖИДда бир ҳафта кейинга силжиган; 2) ушбу силжиш натижасида ЖИДда тўлинсув даврининг умумий давом этиш вақти ҳам бир ҳафтага узайган; 3) гидрографлар тўлинсув давридаги максимал сув сарфлари кузатилиш саналарининг силжишларини аниқ кўрсатади; 4) ШТИД ва ББИДларда, тўлинсув даври гидрографларининг кўтарилиш ва пасайишларидаги айрим кичик силжишларни ҳисобга олмаганда, улар деярли устма-уст тушган; 5) ЖИД гидрографи олдинги икки ҳисоб даври (ШТИД ва ББИД)га нисбатан ўнг томонга силжиган: бу силжиш тўлинсув даврининг кўтарилишида ўртача 10-12 кунни, унинг пасайишида эса 8-10 кунни ташкил этган; 6) дастлабки икки, яъни ШТИД ва ББИДлар гидрографларида кам сувли даврлардаги оқим миқдорлари тўла устма-уст тушган; 7) ЖИДда эса кам сувли давр, яъни кузги-қишки оқим миқдорлари олдинги икки ҳисоб даврига нисбатан 20-25% га ортган.

Диссертациянинг сўнгги 5-боби «Тўлинсув даври оқими миқдорий кўрсаткичларини прогнозлаш ва тадқиқот натижаларидан амалий гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш масалалари» деб номланган. Диссертацияда муз-қор ва қор-муз сувларидан тўйинадиган дарёлар тўлинсув даври, унинг алоҳида ойлари оқимини прогнозлаш масалаларини кўриб чиқишда П.М.Машуков, Е.И.Гирник, А.М.Овчинников, Н.К.Лукина, Л.М.Карандаева ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари фундаментал асос қилиб олинган.

Тадқиқотда мазкур масала гидрологик қатор аъзоларининг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Дарёлар йиллик оқимидан иборат бўлган гидрологик қаторлар аъзоларининг ўзаро (қатор ичи) боғлиқлиги илк бор П.А.Ефимович (1936) томонидан кўрсатиб берилган. Кейинчалик Ю.М.Алехин (1963), И.П.Дружинин (1987) ва бошқалар мазкур боғланишлардан дарёлар йиллик оқимини ўта узоқ муддатли прогнозлаш мақсадида фойдаланган.

Диссертацияда қатор ичи аъзоларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлашга оид ҳисоблашлар Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик постида кузатилган характерли, яъни кам сувли, ўртача сувли ва кўп сувли йиллар тўлинсув даврлари гидрографлари таҳлиллари асосида амалга оширилган (2-жадвал).

2-жадвал


Тўлинсув даврининг характерли йиллардаги кўрсаткичлари

Характерли йил	Тўлинсув даври			Гидрограф бўлаклари					
	Б	Т	УДЭВ	кўтарилиш			пасайиш		
				Б	Ч	ДЭ	Ч	Т	ДЭ
Кам сувли, 1982	26.IV	23.IX	151	26.IV	05.VIII	102	05.VIII	23.IX	49
Ўртача сувли, 1981	28.IV	02.X	158	28.IV	24.VII	88	24.VII	02.X	70
Кўп сувли, 1973	25.IV	06.X	165	25.IV	02.VII	69	02.VII	06.X	96

Изоҳ: Б – бошланиш санаси; Т – тугаш санаси; УДЭВ – умумий давом этиш вақти, кун; Ч – гидрограф чўққиси санаси.



Тадқиқотда Зарафшон дарёси тўлинсув даврининг кўтарилиши ва пасайишидаги сув сарфлари қаторларини  $\tau=2, 3, \dots, 30$  кунлик силжитишлар натижасида шакллантирилган жуфтликларнинг ўзаро боғлиқлиги статистик баҳоланган (6-расм).



6-расм. Тўлинсув даври кўтарилишидаги сув сарфларининг 10 ва 30 кунлик қийматларда силжитилган жуфт қаторлари орасидаги боғланишлар графиклари

Ишда, шу боғланишлардан фойдаланган ҳолда, Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқими миқдорларини 5 ва 10 кун олдиндан қисқа, 30 кун олдиндан узоқ муддатли прогнозлаш имкониятлари мавжудлиги кўрсатиб берилган (3-жадвал).

3-жадвал

Тўлинсув даври сув сарфлари қаторлари аъзолари ўзаро боғлиқлигининг статистик кўрсаткичлари

$\tau$ , кунлар	n	Регрессия тенгламаси	$r \pm \sigma_r$
Кўтарилишидаги			
5	64	$Q_{i+5} = 1,0488x + 35,439$	$0,953 \pm 0,008$
10	59	$Q_{i+10} = 1,0026x + 93,532$	$0,913 \pm 0,014$
30	39	$Q_{i+30} = 1,3282x + 244,94$	$0,906 \pm 0,019$
Пасайишидаги			
5	91	$Q_{i+5} = 0,8757x + 21,823$	$0,864 \pm 0,017$
10	86	$Q_{i+10} = 0,9217x - 18,14$	$0,855 \pm 0,020$
30	66	$Q_{i+30} = 0,8312x - 95,97$	$0,828 \pm 0,026$

Изоҳ:  $\tau$  – қабул қилинган силжитишлар, кун ҳисобида; n – жуфт қаторлар аъзоларининг сони;  $r \pm \sigma_r$  - корреляция коэффиценти ва унинг хатолиги.

Диссертацияда, Зарафшон (Дупули) дарёси мисолида, тўлинсув даври оқими миқдорларини 5, 10 ва 30 кунлик муддатлар билан прогнозлаш усуллариининг аниқлиги ва сифати «Наставления по службе прогнозов...» талаблари бўйича, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган материаллар асосида баҳоланган (4-жадвал).

Бажарилган ҳисоблашларнинг таҳлиллари натижасида тўлинсув даврининг кўтарилишидаги оқим миқдорлари прогнозларининг унинг пасайишидагига нисбатан аниқроқ бўлиши кўрсатиб берилган.

Тўлинсув даври оқими миқдорларини прогнозлаш усулларининг  
аниқлиги ва сифатини баҳолаш кўрсаткичлари

Прогнозлаш муддати, кунлар	n	$\sigma$	$\delta_m$	S	$\frac{S}{\delta}$	m	P, %
Кўтарилишидаги							
5	64	195,9	132	59,2	0,30	62	96,9
10	59	187,0	126	76,3	0,40	54	91,5
30	39	133,3	89,8	56,3	0,42	35	89,7
Пасайишидаги							
5	91	166,5	112,2	83,8	0,50	81	89,0
10	86	169,0	113,9	89,4	0,53	77	89,5
30	66	125,0	84,3	70,2	0,56	56	84,8

*Изоҳ: n - прогнозлар сони;  $\sigma$  – кузатишган сув сарфлари миқдорларининг ўртача квадратли четлашиши;  $\delta_m$  - йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолик; S - абсолют хатоликларнинг ўртача квадратли четлашиши; S/ $\delta$  - прогнозлаш усулининг сифат кўрсаткичи; m – тўғри чиққан прогнозлар сони; P - прогнозлаш усулининг таъминланиши.*

Бобнинг якунида бажарилган тадқиқот натижаларидан, яъни Зарафшон дарёси сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишларининг ишда аниқлаган қийматларидан, сув хўжалигини самарали ташкил этишга оид гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш бўйича тегишли тавсиялар берилган.

## ХУЛОСА

1. Зарафшон ҳавзаси дарёларида сув режими фазалари, жумладан тўлинсув, тошқин ва кам сувли даврлар ўзига хос кўринишларда намоён бўлади. Дарёлар йиллик оқимининг 65-80 %и оқиб ўтадиган тўлинсув даври Зарафшон дарёси ва унинг баланд тоғли қисмидаги ирмоқларида апрель-сентябрь ойларида, Ўрта Зарафшондаги кичик дарёлар ва сойларда эса март-май ойларида кузатилади. Тошқинлар ҳавзанинг тоғли қисмида, ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши натижасида, баҳорнинг охири ва ёзнинг бошларида кузатилади, унинг Ўзбекистон қисмидаги кичик дарёлар ва сойлар учун эса эрта баҳорги ва кеч кузги тошқинлар хосдир. Ҳавзанинг юқори қисмидаги дарёларда кузги-қишки кам сувли давр, Ўрта Зарафшондаги дарёлар ва сойларда эса нисбатан узок давом этадиган ёзги-кузги-қишки кам сувли давр кузатилади.

2. Ҳаво ҳарорати дарёлар сув режими фазалари турли даврларининг бошланиш, тугаш ва умумий давом этиш муддатларининг силжишларига таъсир этувчи асосий метеорологик омиллардан бири ҳисобланади. Зарафшон дарёси ҳавзасининг юқори тоғли ва Ўрта Зарафшон қисмларида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати жорий иқлимий давр (ЖИД) да биринчи базавий иқлимий давр (ББИД) га нисбатан сезиларли даражада кўтарилган. Бу кўтарилиш тоғли қисмда ўртача 0,43 °C ни, Ўрта Зарафшон қисмида эса 0,75 °C ни ташкил этади.

3. Зарафшон ҳавзасининг юқори, тоғли қисмида, энг баландда

жойлашган Анзоб довони ва Шахристон метеорологик станцияларида ЖИДда ёғин миқдорлари ўртача 28 мм га камайган бўлса, улардан қуйидаги барча метеорологик станцияларда эса ўртача 20 мм га ортган. Ҳавзанинг Ўзбекистон қисмидаги 500 м дан баландда жойлашган метеорологик станцияларда ёғин миқдорлари ЖИДда ББИДга қараганда ортган (Самарқанд 23 мм, Дахбет 34 мм). Улардан қуйида жойлашган метеорологик кузатиш пунктларида эса аксинча ўртача 10-15 мм га камайган.

4. Зарафшон дарёсининг ўртача ойлик оқим миқдорлари билан шу ойлардаги ўртача ҳаво ҳароратларининг боғлиқлиги экстремал сувли йиллар мисолида тадқиқ этилган. Ушбу боғланишларни ифодаловчи жуфт корреляция коэффициентларининг қийматлари барча экстремал сувли йилларда ЖИДда ББИДга нисбатан камайган. Масалан, ББИД нинг ўртача сувли йилида  $r=0,94$  бўлса, ЖИДда  $r=0,91$  га тенг бўлган. Ушбу камайиш дарё оқимиға ноиқлимий омиллар таъсирининг ортганлиги билан изоҳланади.

5. Зарафшон дарёсининг тўлинсув даври оқими билан унинг ҳосил бўлишиға таъсир этадиган асосий метеорологик омиллар, жумладан, ёзги ҳаво ҳарорати ва мавсумий атмосфера ёғинлари орасидаги кўп ҳадли боғланишлар статистик баҳоланган. Ушбу боғланишларни ифодаловчи нормаллаштирилган регрессия тенгламалари тузилган. Ушбу тенгламаларда атмосфера ёғинларининг ҳиссаси 75% ни, ҳаво ҳароратининг ҳиссаси эса 25% ни ташкил этган. Қайд этиш лозимки, Анзоб метеорологик станцияси маълумотлари асосида бажарилган ҳисоблашларда ёзги ҳаво ҳароратининг ҳиссаси 61% ни, мавсумий ёғинларнинг ҳиссаси эса 39% ни ташкил этган.

6. Зарафшон ҳавзаси дарёлари гидрографларининг таҳлили натижасида тўйиниши бўйича турли типга мансуб бўлган дарёларда сув режими фазаларининг тўлинсув, тошқин ва кам сувли даврлари йилнинг турли мавсумларида кузатилиши кўрсатиб берилган. Шунингдек, ҳавза дарёларида тўлинсув даври умумий давом этиш вақтининг йилнинг сувлилик даражасиға боғлиқлиги қайд этилган. Хусусан, кўп сувли йилларда тўлинсув даври узоқроқ давом этса, кам сувли йилларда, аксинча, бу муддат қисқарган.

7. Сув режими фазаларининг иқлим ўзгариши шароитидаги силжишлари, Зарафшон (Дупули) дарёси мисолида, қуйидаги учта ҳисоб даврлари учун бажарилган ҳисоблашлар натижалари асосида аниқланган: 1) шартли табиий иқлимий давр (ШТИД, 1931-1960 йй.); 2) биринчи базавий иқлимий давр (ББИД, 1961-1990 йй.); 3) жорий иқлимий давр (ЖИД, 1991-2018 йй.). Ҳар бир ҳисоб даври учун ўртача кўп йиллик кунлик сув сарфлари ҳисобланган ва улар асосида биргаликда чизилган оқим гидрографларидан тўлинсув даври элементлари аниқланган.

8. Турли иқлимий ҳисоб даврлари учун биргаликда чизилган гидрографлар таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланган: 1) ҳар учта ҳисоб даврида тўлинсув даврининг бошланиш саналари деярли бир хил қийматларда кузатилган, лекин, уларнинг тугаш муддатлари ЖИДда бир ҳафта кейинга силжиган; 2) ушбу силжиш натижасида ЖИДда тўлинсув даврининг умумий давом этиш вақти ҳам бир ҳафтага узайган;

3) гидрографларда максимал сув сарфлари кузатилиш муддатларининг силжишлари аниқ кўзга ташланади; 4) ШТИД ва ББИДларда тўлинсув даври гидрографларининг кўтарилиш ва пасайиш қисмларидаги айрим кичик силжишларни ҳисобга олмаганда, улар деярли устма-уст тушган; 5) ЖИД гидрографи олдинги икки ҳисоб даври (ШТИД ва ББИД)га нисбатан ўнг томонга силжиган: бу силжиш тўлинсув даврининг кўтарилишида ўртача 10-12 кунни ташкил этса, унинг пасайишида эса 8-10 кунни ташкил этган; 6) дастлабки икки, яъни ШТИД ва ББИДларда кам сувли даврлардаги оқим миқдорлари деярли устма-уст тушган; 7) ЖИДда эса кузги-қишки оқим миқдорлари олдинги икки ҳисоб даврига нисбатан 20-25% га ортган.

9. Тадқиқотда Зарафшон дарёси тўлинсув даврининг кўтарилиши ва пасайишидаги сув сарфлари қаторларини  $\tau=2, 3, \dots, 30$  кунлик силжитишлар натижасида шакллантирилган жуфтликларни ўзаро боғлиқлиги статистик баҳоланган. Кунлик ( $\tau=2, 3, \dots, 30$ ) силжитишларнинг ҳар бир қиймати учун регрессия тенгламалари олинган. Ушбу тенгламаларнинг аниқлигини ифодаловчи жуфт корреляция коэффицентларининг қийматлари  $0,882 \pm 0,022 \div 0,996 \pm 0,001$  ораликда ўзгарган.

10. Қаторичи боғланишлардан  $\tau=5, 10, 30$  кунлик силжитишларга тегишли бўлганларининг регрессия тенгламалари ажратиб олинган. Улар асосида Зарафшон дарёсининг тўлинсув давридаги ўртача кунлик сув сарфларини 5 ва 10 кун олдиндан қисқа ҳамда 30 кун олдиндан узоқ муддатли прогнозлашларда фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб берилган. Қисқа ва узоқ муддатли прогнозлаш усулларининг аниқлиги ва сифати баҳоланган. Уларнинг натижалари солиштирилиб, тўлинсув даврининг кўтарилишидаги прогнозлар аниқлигининг пасайишидагига нисбатан юқори бўлиши ва бу ҳолат изоҳланиб, сабаблари кўрсатиб берилган.

11. Бажарилган тадқиқот натижаларидан, яъни Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув режими фазаларининг тўлинсув, тошқин ва кам сувли даврлари элементларининг иқлим ўзгариши шароитдаги силжишларининг аниқланган қийматларидан сув хўжалиги тизими ишларини самарали ташкил этишга оид гидрологик ҳисоблашларда фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЗИЯЕВ РАХМАТ РАХИМОВИЧ**

**СМЕЩЕНИЕ ФАЗ ВОДНОГО РЕЖИМА РЕК БАССЕЙНА  
ЗЕРАВШАНА В УСЛОВИЯХ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА**

**11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.1.PhD/Gr8.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.hydromet.uz](http://www.hydromet.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Хикматов Фазлиддин Хикматович</b> доктор географических наук, профессор
Официальные оппоненты:	<b>Мурадов Шухрат Одилович</b> доктор технических наук, профессор <b>Пирназаров Равшан Топволдиевич</b> кандидат географических наук, доцент
Ведущая организация:	<b>Наманганский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «07» Октябрь 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71 1358512, факс: (+998) 71 2371313, e-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за №212). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71 1358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: [nigmi@albatros.uz](mailto:nigmi@albatros.uz)).

Автореферат диссертации разослан «22» Сентябрь 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от «22» Сентябрь 2021 года).



**В.Е. Чуб**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.г.н.

**Б.Э. Нишовов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н.

**С.В. Мягков**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире, в условиях глобального потепления климата, потребность в воде из года в год увеличивается. В этой связи во Всемирном докладе ООН констатируется, что «Изменение климата скажется на наличии, качестве и количестве водных ресурсов, необходимых для удовлетворения базовых потребностей человека... Гидрологические изменения, вызванные изменением климата, еще больше осложнят проблемы, стоящие на пути устойчивого управления водными ресурсами...»<sup>1</sup>. Такое положение приводит к серьёзным изменениям в гидрологическом режиме рек и указывает на необходимость изучения смещения сроков фаз их водного режима в зависимости от процессов изменения климата.

В мире проводятся научные исследования по определению смещений фаз водного режима рек в условиях изменения климата, усовершенствованию методов количественной оценки стока периодов межени, паводка и половодья на реках, а также по оценке влияния климатических факторов на их формирование. Наряду с вышеперечисленными, уделяется особое внимание учету смещений фаз водного режима рек в результате климатических изменений в практике гидрологических расчетов, а также накоплению стока рек периодов половодья и паводков в водохранилищах, их рациональному использованию в сельском хозяйстве.

В республике осуществляется ряд мероприятий с целью обеспечения более рационального использования водных ресурсов рек водопотребителями всех секторов отраслей экономики и достигнуты ощутимые результаты. В стратегии действий развития Республики Узбекистан намечены важные задачи по «дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель, ..., широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий»<sup>2</sup>. При решении этих задач, исследования по усовершенствованию методов расчета показателей стока различных фаз водного режима рек, а также оценка их смещения в условиях изменения климата имеют важное значение.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указами и Постановлениями Президента Республики Узбекистан: №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» от 7 февраля 2017 года, №УП-5742 «О мерах по рациональному использованию земельных и водных ресурсов» от 17 июня 2019 года, №ПП-3286 «О мерах по дальнейшему усовершенствованию системы охраны

---

<sup>1</sup> Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов, 2020 г. Водные ресурсы и изменение климата. [www.unesco.org/water/wwap](http://www.unesco.org/water/wwap)

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

водных объектов» от 25 сентября 2017 года, №ПП-4486 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления водными ресурсами» от 9 октября 2019 года и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Фазы водного режима рек, в частности, сток периодов межени, паводка и половодья, вопросы их формирования и влияния климатических факторов на эти процессы рассмотрены в исследованиях ученых дальнего зарубежья таких, как R.M.Perkins, J.Gibson, T.Edwards, S.Birks, W.Buhay, P.Eachern, B.Wolfe, L.Alfieri, B.Bisselink, F.Dottori, G.Naumann, K.Wyser, Ya.Kong, Z.Pang, A.Al-Alsheikh.

Исследования ученых бывшего Союза и стран СНГ (Т.С.Абалян, С.К.Аламанов, М.Н.Большаков, М.И.Будыко, А.И.Воейков, В.Г.Глушков, А.С.Монин, Е.В.Петряшова, И.С.Соседов, Д.П.Соколов, Д.А.Бураков, О.И.Литвинова, Н.А.Мусатов и другие) посвящены изучению вопросов оценки величины стока различных фаз водного режима рек и использования их результатов в практике водного хозяйства, гидроэнергетики и других сферах.

В Узбекистане первые исследования по данному направлению выполнены Э.М.Ольдекопом, Л.К.Давыдовым, а в последующем В.Л.Шульцем, О.П.Щегловой, А.М.Овчинниковым, Д.Х.Салиховой и другими. В настоящее время аналогичные исследования по данной проблеме продолжаются В.Е.Чубом, Э.И.Чембарисовым, Б.К.Царевым, Ф.Х.Хикматовым, Л.М.Карандаевой, Б.Д.Салимовой, Ф.Я.Артыковой, Г.Х.Юнусовым, К.Р.Рахмановым, С.А.Хайдаровым, Д.М.Тургуновым и другими. В этих исследованиях изучены вопросы влияния физико-географических факторов, в том числе, геологического строения и рельефа земной поверхности, климатических условий, почвенного и растительного покрова и других, на формирование стока различных фаз водного режима горных рек.

